



ЮРИСТ АХБОРОТНОМАСИ

ВЕСТНИК ЮРИСТА * LAWYER HERALD

ҲУҚУҚИЙ, ИЖТИМОИЙ, ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ЖУРНАЛ



CYBERLENINKA



НАУЧНАЯ ЭЛЕКТРОННАЯ
БИБЛИОТЕКА
LIBRARY.RU



ISSN 2181-9416

Doi Journal 10.26739/2181-9416

ЮРИСТ АХБОРОТНОМАСИ

4 СОН, 1 ЖИЛД

ВЕСТНИК ЮРИСТА

НОМЕР 4, ВЫПУСК 1

LAWYER HERALD

VOLUME 4, ISSUE 1



TOSHKENT-2020

ДАВЛАТ ВА ҲУҚУҚ НАЗАРИЯСИ ВА ТАРИХИ.
ҲУҚУҚИЙ ТАЪЛИМОТЛАР ТАРИХИ

1. ФАЙЗИЕВ Олим

ФУҚАРОЛАРНИНГ МУРОЖААТ ҚИЛИШ МАДАНИЯТИНИ ЮКСАЛТИРИШ
ҲАМДА МАСЪУЛ ХОДИМЛАРНИ ЎҚИТИШ – АЙРИМ ТИЗИМЛИ
МУАММОЛАРГА ЕЧИМ СИФАТИДА 7

2. ХУЖАНАЗАРОВ Азизжон Анварович

ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ ЛОЙИҲАЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШДА АДЛИЯ ОРГАНЛАРИНИНГ
ИШТИРОКИ..... 13

КОНСТИТУЦИЯВИЙ ҲУҚУҚ. МАЪМУРИЙ ҲУҚУҚ.
МОЛИЯ ВА БОЖХОНА ҲУҚУҚИ

3. ТОШҚУЛОВ Журабой Ўринбоевич

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ВИЖДОН ЭРКИНЛИГИНИНГ ҲУҚУҚИЙ
КАФОЛАТЛАРИ 18

4. САБИРОВ Эркин Кучкарбаевич

СУДЛАР ФАОЛИЯТИНИНГ ОЧИҚЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ БОРАСИДА ОММАВИЙ
АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ БИЛАН ҲАМКОРЛИК МАСАЛАЛАРИ 29

5. ЮЛДАШЕВ Джахонгир Хайитович

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА БОЛАНИНГ ФУҚАРОЛИГИ БИЛАН БОҒЛИҚ
МАСАЛАЛАРНИ ТАРТИБГА СОЛУВЧИ ҲУҚУҚИЙ МЕХАНИЗМЛАРНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ 38

6. НОДИРОВ Давурхон Икромович

ЎЗБЕКИСТОН ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ҚОНУН
УСТУВОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ.....44

7. ХАТАМОВ Жамшид Алтибаевич

ФОРМЫ И МЕТОДЫ ОСУЩЕСТВЛЕНИЯ ТАМОЖЕННОГО АДМИНИСТРИРОВАНИЯ..... 50

ФУҚАРОЛИК ҲУҚУҚИ. ТАДБИРКОРЛИК ҲУҚУҚИ. ОИЛА ҲУҚУҚИ.
ХАЛҚАРО ХУСУСИЙ ҲУҚУҚ

8. ОКЮЛОВ Омонбой

СУД ВА ҲУҚУҚНИ ҚЎЛЛАШ АМАЛИЁТИДА АДОЛАТ, ИНСОФЛИЛИК, ОҚИЛОНАЛИК
ТАМОЙИЛЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ МЕТОДОЛОГИК МАСАЛАЛАРИ 55

9. РАҲМАТОВ Анвар Исломович

СПОРТ ТАДБИРЛАРИ ТАШКИЛ ЭТИШ БИЛАН БОҒЛИҚ МУНОСАБАТЛАРНИ
ШАРТНОМАВИЙ-ҲУҚУҚИЙ ТАРТИБГА СОЛИШ МАСАЛАЛАРИ 65

9. РУЗИНАЗАРОВ Шухрат Нуралиевич, АЧИЛОВА Лилия Илхомовна

ТЕНДЕНЦИИ И РАЗВИТИЯ ПРАВОВОГО РЕГУЛИРОВАНИЯ ИНОСТРАННЫХ
ИНВЕСТИЦИЙ В РЕСПУБЛИКЕ УЗБЕКИСТАН 71

10. ҒАЙБУЛЛАЕВ Сохибжон

ФУҚАРОЛИК ҲУҚУҚИДА ТАЪМИНЛОВЧИ БИТИМЛАР 76

11. РАХИМОВ Дониёр Бахтиёрович

ТОВАР НЕУСТОЙКАСИ: ЦИВИЛИСТИК ТАФАККУР ВА ҚОНУНЧИЛИК ТАРАҚҚИЁТИ 83

12. АБДУҒАНИЕВ Хуршиджон Турғун ўғли

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ТОВАР БЕЛГИЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ СОҲАСИДА
ҚОНУНЧИЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎЛЛАРИ 89

13. KHUSAINOVA Rano

LEGAL ASPECTS OF LIBERALIZATION OF THE ELECTRICITY SECTOR
OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN 95

**ФУҚАРОЛИК ПРОЦЕССУАЛ ҲУҚУҚИ. ИҚТИСОДИЙ ПРОЦЕССУАЛ ҲУҚУҚИ.
ҲАКАМЛИК ЖАРАЁНИ ВА МЕДИАЦИЯ**

- 14. АБДУРАХМОНОВА Хосиятхон Бахтиёржон қизи**
ИҚТИСОДИЁТ СОҲАСИДА КОЛЛИЗИОН МУАММОЛАРНИ ТАРТИБГА СОЛИШДА
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ИҚТИСОДИЙ ПРОЦЕССУАЛ КОДЕКСИ РОЛИ.... 103
- 15. ОДИЛҚОРИЕВ Хожимурод Тухтамурадович, ГАНИБАЕВА Шахноза Каримбердиевна**
МЕДИАЦИЯ ИНСТИТУТИНИ ЖОРИЙ ҚИЛИШГА ОИД МУҲИМ ҚАДАМ:
ХОРИЖИЙ ВА МИЛЛИЙ ТАЖРИБА 109

МЕҲНАТ ҲУҚУҚИ

- 16. РАХИМОВ Мирёқуб Актамович**
COVID-19 ПАНДЕМИЯСИ ШАРОИТИДА ХОДИМЛАР МЕҲНАТ ҲУҚУҚЛАРИНИ ҲИМОЯ
ҚИЛИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ЖИҲАТЛАРИ..... 117

**ЖИНОЯТ ПРОЦЕССИ. КРИМИНАЛИСТИКА, ТЕЗКОР-ҚИДИРУВ
ҲУҚУҚ ВА СУД ЭКСПЕРТИЗАСИ**

- 17. КАРИМОВ Ваҳобжон**
“ТЕЗКОР-ҚИДИРУВ ФАОЛИЯТИ” ФАНИ ПРЕДМЕТИ, ВАЗИФАЛАРИ ВА УНИНГ
ЮРИСТЛАРНИ ТАЙЁРЛАШДАГИ АҲАМИЯТИ 123
- 18. ХАСАНОВ Шавкатбек Хайбатуллаевич**
СУД-ЭКСПЕРТЛИК ФАОЛИЯТИНИНГ ПСИХОЛОГИК ЖИҲАТЛАРИ 130
- 19. ЭРНАЗАРОВ Улуғмурод Турдиевич**
СУД-ЭКСПЕРТЛИК ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШДА ИННОВАЦИОН
ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИНГ АҲАМИЯТИ..... 135

ХАЛҚАРО ҲУҚУҚ ВА ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ

- 20. ХАМДАМОВА Фируза Уразалиевна**
РАЗВИТИЕ МЕЖДУНАРОДНОГО ПРАВА В УСЛОВИЯХ ЦИФРОВИЗАЦИИ..... 139
- 21. ИШАНХАНОВА Гулнора Амановна**
ЗАЩИТА ПРАВ РЕБЕНКА В МЕЖДУНАРОДНОМ ПРАВЕ
И НАЦИОНАЛЬНОМ ЗАКОНОДАТЕЛЬСТВЕ 144
- 22. ИСОҚОВ Лукмонжон Холбоевич**
МИГРАЦИЯ ЖАРАЁНЛАРИНИ БОШҚАРИШНИНГ ЗАМОНАВИЙ МОДЕЛЛАРИ 153
- 23. ХУДАЙБЕРДИЕВА Гулнора Аманмуродовна**
ХАЛҚАРО ТАШКИЛОТЛАРНИНГ МУАЛЛИФЛИК ҲУҚУҚИ ВА ТУРДОШ ҲУҚУҚЛАР
СОҲАСИДАГИ ҲУҚУҚ ИЖОДКОРЛИГИ ФАОЛИЯТИНИНГ АЙРИМ ЖИҲАТЛАРИ..... 161

ҲУҚУҚИЙ АМАЛИЁТ ВА ХОРИЖИЙ ТАЖРИБА

- 24. ТУРДИЕВ Бобир Собирович**
“ЯШИРИН ИҚТИСОДИЁТ”НИ ҚИСҚАРТИРИШ ВА УНГА ҚАРШИ
САМАРАЛИ КУРАШИШ ЙЎЛЛАРИ 167
- 25. ЭРАЛИЕВ Аъзам Бахтиёр ўғли**
АНГЛО-САКСОН ҲУҚУҚ ТИЗИМИГА МАНСУБ ДАВЛАТЛАРДА ИЧКИ ИШЛАР
ОРГАНЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ХУСУСИЯТЛАРИ 174

ЮРИСТ АХБОРОТНОМАСИ ВЕСТНИК ЮРИСТА LAWYER HERALD

РАХИМОВ Дониёр Бахтиёрович

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қошидаги
Юристар малакасини ошириш маркази бўлим бошлиғи,
юридик фанлар номзоди
E-mail: raximov_doniyor72@mail.ru

ТОВАР НЕУСТОЙКАСИ: ЦИВИЛИСТИК ТАФАККУР ВА ҚОНУНЧИЛИК ТАРАҚҚИЁТИ

For citation (иктибос келтириш учун, для цитирования): РАХИМОВ Д.Б. ТОВАР НЕУСТОЙКАСИ: ЦИВИЛИСТИК ТАФАККУР ВА ҚОНУНЧИЛИК ТАРАҚҚИЁТИ. Юристар ахборотномаси – Вестник юриста – Lawyer herald. № 4 (2020), Б. 83–88.

 2 (2020) DOI <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9416-2020-4-12>

АННОТАЦИЯ

Мақолада товар неустойкасини мажбуриятлар бажарилишини таъминлаш усули сифатида эътироф этишнинг назарий асослари, унинг пайдо бўлиши ва уни қўллашнинг афзалликлари ёритилган. Шунингдек, қонунчиликда белгиланган ва суд амалиётида қўлланилаётган неустойкага оид қоидалар баён этилган. Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг неустойка билан боғлиқ нормаларини такомиллаштириш юзасидан таклифлар берилган.

Калит сўзлар: таъминлаш усуллари, пул шаклидаги неустойка, товар неустойкаси, натура кўринишдаги неустойка, ашёвий неустойка.

РАХИМОВ Дониёр Бахтиёрович

Начальник отдела Центра повышения квалификации юристов при
Министерстве Юстиции Республики Узбекистан,
кандидат юридических наук
E-mail: raximov_doniyor72@mail.ru

ТОВАРНАЯ НЕУСТОЙКА: ЦИВИЛИСТИЧЕСКОЕ МЫШЛЕНИЕ И ЗАКОНОДАТЕЛЬНОЕ РАЗВИТИЕ

АННОТАЦИЯ

В статье рассматриваются теоретические основы признания товарной неустойки как способа обеспечения выполнения обязательств, её появления и преимуществ её применения. Также, в статье изложены правила неустойки, установленные законом и применяемые в судебной практике. Были разработаны предложения по совершенствованию положений Гражданского кодекса Республики Узбекистан, касательно неустойки.

Ключевые слова: способы обеспечения, неустойка в денежной форме, товарная неустойка, неустойка в натуральном выражении, материальная неустойка.

RAKHIMOV Doniyor

Head of Department of the Lawyers' Training Center under the
Ministry of Justice of the Republic of Uzbekistan,
Candidate of Juridical Sciences,
E-mail: raximov_doniyor72@mail.ru

COMMODITY PENALTY: CIVIL THINKING AND LEGISLATIVE DEVELOPMENT

ANNOTATION

The article discusses the theoretical foundations of the recognition of a commodity penalty as a way to ensure the fulfillment of obligations, its appearance and the advantages of its application. It also sets out the forfeit rules established by law and applied in judicial practice. In addition, proposals were made to improve the provisions of the Civil Code of the Republic of Uzbekistan concerning penalties.

Keywords: security methods, penalty in monetary form, commodity penalty, penalty in kind, material penalty.

Мажбуриятларнинг бажарилиши учун уларни таъминлашнинг турли самарали усуллари қўллашга бўлган зарурият континенталь ва англосаксон ҳуқуқ тизимлари ўртасида ўзаро яқинлашув, бир-биридан андоза олиш ва имплементация қилиш жараёнини вужудга келтирмоқда. Бу жараёнда ҳуқуқ тизимларида содир бўлаётган мажбуриятлар бажарилишини фуқаролик-ҳуқуқий таъминлаш соҳасидаги ўзгаришларни таҳлил қилиш ва миллий қонунчилигимизни такомиллаштириш учун тегишли таклифларни илгари суриш фуқаролик ҳуқуқи фанининг долзарб вазифаларидан бири ҳисобланади.

Ҳуқуқшунос олимлар ўртасида Фуқаролик кодексда белгиланган мажбуриятлар бажарилишини таъминлаш усулларида ташқари, таъминловчи чораларни таъминлаш усули сифатида эътироф этиш анъанага айланмоқда. Хусусан, Д.А.Торкин фидуциявий гаров; товар неустойкаси; қайтариладиган гаров; пулни ушлаб қолиш; чақириб олинмайдиган; маълум бир шарт остида (цессия, факторинг, воз кечиш) амалга ошириладиган битимларни [1, Б.182], Э.А.Габараев пул талабидан воз кечиш [2, Б.154], Н.Имомов мажбуриятни муддатидан олдин бекор қилиш, гаров реестрини жорий этиш [3, Б.40] ва С.Бобоқулов [4, Б.439], Ю.С.Фёдорова [5], М.Д.Акатъева [6, Б.28] ҳамда А.Омонов [7] эса, товар неустойкасини таъминлаш усули сифатида эътироф этишади.

Ҳуқуқшунос олимларнинг товар неустойкасини таъминлаш усули сифатида эътироф этиш билан боғлиқ фикрларини маъқуллаймиз ва уни қўллаш бир қатор афзалликларга эга деб ҳисоблаймиз: *биринчидан*, кредитор ўз эҳтиёжига яраша, қарздорга тегишли ашёни олади; *иккинчидан*, пул захирасига эга бўлмаган қарздор ўз товарини бериши унинг учун қулай ва ҳеч қандай ортиқча расмиятчилик талаб қилмайди, *учинчидан*, пул шаклидаги неустойкани суд тартибида ундиришдаги каби ортиқча вақт ва кўшимча харажатлар сарфланиши талаб қилмайди.

Бу ўринда А.В.Бодиловскийнинг, “маҳсулот етказиб берувчига нақд пул билан тўлашдан” кўра “ортиқча” товарни бериш анча қулайроқ кечади ва харидор пул тўловини ундириш ҳақидаги суд муҳокамасини бошлаганидан кўра бироз кечроқ бўлсада, ўзи учун зарур бўлган товарни олиши фойдалироқ. Ҳар қандай ҳолатда ҳам пул захиралари мавжуд бўлмаганида ашёвий неустойка мажбурият бузилганлиги учун ҳақиқатга яқинроқ қопламани олиш имкониятини яратади [10, Б.4-7] деган фикрини келтириш жоиз.

Фикримизча, кредитор пул шаклидаги неустойкани ундириш учун судга мурожаат қилиш ўрнига қарздор билан келишувга асосан товар шаклидаги неустойкани олгани афзал. Чунки, пул шаклидаги неустойкани суд тартибида ундириш билан боғлиқ бутун бир жараённи босиб ўтган кредитор оҳир-оқибат “ютқазилган” эҳтимоли юқори. Бу жараён қуйидагича кечади: *биринчидан*, суд томонидан кредиторнинг неустойкани ундириш ҳақидаги талаби кўрилиши жараёнида суд харажатлари (3.5%) (*бундан ташқари, адвокат хизматлари учун тўлов - 15%*) ва ундирув ижрога қаратилганидан кейин эса, 2% ижро йиғини (жами: 20.5%) тўлаши; *иккинчидан*, кредитор томонидан сўралган неустойкани суд 1-50 фоизигача ундириш ҳақида ҳал қилув қарори қабул қилиши, рад

этилган қисми бўйича давлат божи кредитор зиммасига тушиши; *учинчидан*, суд инстанцияларида ишни кўриш ва ижро ҳаракатларини амалга ошириш учун ойлаб вақт сарфланиши, *тўртинчидан*, баъзан қарздор иктисодий ночор бўлиб қолиши ёки тугатилиши натижасида неустойканинг ундирилмасдан қолиши (ёки қопланган деб ҳисобланиши) кредиторнинг манфаатига зарар ва зиён етказилади.

Таъкидлаш жоизки, товар неустойкасига оид тушунчалар бугун пайдо бўлган эмас. М.Я.Пергамент ўзининг “Рим ва ҳозирги замон фуқаролик ҳуқуқида шартномали неустойка ва манфаат” асарида [8, Б.254] неустойка ўзгача тарзда пул бўлмаган шаклда ифодаланган бўлиши мумкинлигини қайд қилади.

Шунингдек, А.Одинаевнинг фикрича, Рим ҳуқуқида неустойка сифатида пул ҳам, мол-мулк кўринишидаги муайян турдаги бойлик ҳам амал қилиши мумкин бўлган [9, Б.125].

В.А.Вятчин “Товар неустойкасининг ҳуқуқий табиати ҳақида” номли мақоласида таъкидлашча, биринчи марта қонунчиликда РСФСРнинг 1922 йилги ФК 141-моддасида неустойка шартнома бажарилмаганида ёки лозим даражада бажарилмаганида контрагент бошқа контрагентга пул суммаси ёки бошқа мулк қимматликни етказиб беришга мажбур бўлиши тарзда баён этилган. “Бошқа мулк қимматлик” тушунчаси моҳияти бирор бир қонун, бирор бир илмий адабиётларда ёритиб берилмаган [30, Б.123].

Бу ўринда В.А.Хохловнинг неустойка барқарор, кенг оммалашган ва синалган фуқаролик-ҳуқуқий санкция; унинг қонуний ва доктринал тушунчаси - мажбуриятлар бажарилмаган ёки лозим даражада бажарилмаганида қарздор кредиторга тўлаши шарт бўлган пул суммаси бўлиб, юз йиллар давомида ўзгармайди [31, Б.234] ҳамда Е.Г.Комисаров ва Д.А.Торкинларнинг хўжалик юритувчи субъектлар онгида неустойка пул суммасида қатъий ўрнашиб қолган [11, Б.125] деган фикрларини келтириш мақсадга мувофиқ. Демак, товар неустойкаси Рим ҳуқуқида ва XX-аср бошларига қадар қонунчиликда эътироф этилган бўлсада, кейинги юз йилликда норма ижодкорлигида унутилиб, бугунги кунга қадар аксарият Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги давлатларининг фуқаролик кодексларида неустойка пул суммаси сифатида қайд қилиниб келинмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 260-моддаси 1-қисми, Россия Федерацияси Фуқаролик кодексининг 330-моддаси 1-қисми [12], Беларуссия Республикаси Фуқаролик кодекси 311-моддаси 1-қисмида [13] Қозоғистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 293-моддаси [14], Туркманистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 427-моддаси 1-қисми [15] ва Тожикистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 355-моддаси 1-қисмида [16], Грузия Фуқаролик кодексининг 417-моддасида [17], Ожарбайжон Республикаси Фуқаролик кодексининг 462.1-моддасида [18] ва Арманистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 369-моддаси 1-қисмида [19] неустойка - мажбурият бажарилмаган ёки лозим даражада бажарилмаган тақдирда қарздор томонидан кредиторга тўлаши лозим бўлган пул суммаси сифатида акс этган. Бироқ, бу каби нормаларни қайта кўриб чиқиш пайти келди. Чунки, уларда белгиланган қоидалар бугунги цивилистик тафаккур ҳамда қонунчиликнинг ривожланиш даражасига мос келмайди. Чунки, бу соҳада кескин бурилишлар юз бермоқда. Жумладан, *Лорд Ньубергер, Лорд Сумптон ва уларнинг қарашларини қўллаб-қувватлаган Лорд Карнвотнинг эътироф этишича, “Неустойка ҳақидаги қоида бу шартнома эркинлигига тўсқинлик қилади. У тарафларнинг қонунда белгиланган ҳуқуқларига бўлган ишончини йўқотади”* [20].

Лорд Карнвотнинг фикрини маъқуллаган ҳолда қайд қилиш лозимки, тарафлар манфаат кўриши мақсадида, шартнома тузиб, ўз ҳуқуқларини эркин равишида амалга оширишни ҳоҳлайдилар. Бунга тўсқинлик қилиш, уларнинг манфаатларига зарар етказиши мумкин. Бу каби ҳолатларнинг олдини олиш учун тарафларга ўзаро келишувига асосан неустойкани эркин яъни, пул ёки товар шаклида қўллаш имконияти берилиши лозим.

Таъкидлаш жоизки, бир қатор давлатлар ўз фуқаролик қонунчилигига неустойка - пул ёки бошқа қимматликни ифодаланиши баён қилувчи қоидаларни аллақачон киритган. Хусусан, Латвия Республикаси Фуқаролик қонунининг 1717-моддасига асосан, неустойка ҳар қандай шартномага киритилиши ва у нафақат пул балки, бошқа қимматлик сифатида белгиланиши мумкин [21]. Украина Фуқаролик кодексининг 549-моддасида 1-қисмида [22], неустойка (жарима, пеня) – мажбурият қарздор томонидан бузилган тақдирда кредиторга бериши шарт бўлган пул суммаси ёки бошқа мулк ҳисобланади. Бу каби қоидалар Қирғизистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 320-моддаси 1-қисмида ҳам белгиланган [23].

Бундан ташқари, кўпгина ривожланган хорижий мамлакатларнинг қонунчилиги ва суд амалиётида неустойка у ёки бу шаклда ифодаланиб келаётганлигини кузатиш мумкин. Масалан,

Австрия Фуқаролик Тузукларининг 1336-моддаси 1-банди, Германия Фуқаролик Тузукларининг 339-345-моддаларида, Француз Фуқаролик кодексининг 1229 ва 1152-моддаларида, Люксембург Фуқаролик кодексининг 1152 ва 1226-моддаларида, Испания Фуқаролик кодексининг 1152-моддасида, Греция Фуқаролик кодексининг 405-моддаси 2-банди, Италия Фуқаролик кодексининг 1382-1384-моддаларида, Нидерландларнинг Фуқаролик кодекси 6:91-6:94-моддаларида, шунингдек умум ҳуқуқ мамлакатлари суд амалиётида (масалан, Dunlop Pneumatic Tyre Co. Ltd. v. New Garage and Motor Co.Ltd., 1915 Англиядаги, Clydebank Engineering & Shipbuilding Co. Ltd. v. Castaneda, 1904, Шотландиядаги, Banta v. Stamford Motor Co. 89 Conn., 1914 США даги ишлар бўйича чиқарилган ҳал қилув қарорлари бўйича ва х.к)) [24, Б.17-27].

Шунингдек, Поволжск округ Федерал арбитраж суди қонунийлигига бирор бир шубҳа қилмасдан “натура кўринишдаги неустойкани” ундирган [25]. Шимолий Кавказ округи Федерал арбитраж суди “ашёвий неустойка ўз ўзидан Фуқаролик кодексининг 329-моддаси 1-бандига асосланади ва қонунга зид келмайди” деб ҳисоблаган [26].

Юқорида қайд қилинганлардан, товар неустойкасига оид қоидалар континенталь ҳуқуқ тизимига кирувчи аксарият мамлакатлар қонунчилиги ва суд амалиётида қўлланиб келинаётганлигини англаш мумкин. Бироқ, англосаксон ҳуқуқ тизимига кирувчи АҚШ ва Англияда неустойка институти мавжуд бўлмаганлиги сабабли “неустойка” атамаси ўрнига “олдиндан баҳоланган зарар” (ОБЗ) атамаси шартномаларда қўлланилади.

Неустойка билан ОБЗ ўртасидаги фарқ негизидан бошланади. Олдиндан баҳоланган зарар - тарафларнинг шартнома тузишдаёқ, унинг бажарилмаслиги натижасида юзага келиши мумкин бўлган зарар миқдорини белгилашга бўлган ҳаракатини ифодалайди. Неустойка эса аксинча, ҳақиқатда кўрилган зарар миқдорига қатъий боғлиқ эмас, балки уларнинг тижорат келишувидан келиб чиққан ҳолда ихтиёрий равишда маълум бир миқдорда белгиланади. Шунингдек, иккита ҳуқуқий ҳимоя воситаларнинг расман ўхшаш жиҳати бор - тўланилиши лозим бўлган миқдори ҳужжатга асосланиши талаб этилмайди [27, Б.215].

Иккита ҳуқуқ тизими ўртасидаги чегараланишга нисбатан муносабатнинг ўзгаришига 1915 йилда кўрилган Dunlop Pneumatic Tyre Co Ltd v New Garage & Motor Co Ltd иши сабаб бўлган, у ОБЗ га нисбатан қўйиладиган талаблар ва неустойкага нисбатан ўзига хос тестни шакллантирган. Иш бўйича қабул қилинган суд қарори адабиётларда кенг ёритилган [28. Б.142], [24. Б.117], [29. Б.40] бундай ёндошув эса қонунга ўхшаш (квазизакон) моҳият касб этган [20].

Бундан роппа-расо 100 йил ўтиб, Буюк Британия Олий суди 2015 йил 4 ноябрь куни Cavendish Square Holding BV v Tatal El Makdessi ва Parking Eye Limited v Beavis иши бўйича қабул қилган қароридан неустойкага нисбатан танқидий муносабат билдирган. Ишда савдо марказида жойлашган тураргоҳ оператори томонидан ушбу худуддан фойдаланувчилар учун икки соатлик юқори муддат белгиланган, агар фойдаланиш мазкур муддатдан ошса 85 фунт санкция қўлланилиши кўрсатилган. Бу сумма суд томонидан мажбурият бузилганлиги учун белгиланган санкция эканлиги эътироф этилган [27. Б.216].

Қайд қилинган ҳолатлар неустойкага нисбатан муносабат континенталь ҳуқуқ тизими давлатлари қонунчилиги ва суд амалиётида, шу жумладан, англосаксон ҳуқуқ тизимига кирувчи давлатлар суд амалиётида ҳам ўзгараётганлигидан далолат беради. Ушбу каби ўзгаришлар миллий қонунчилигимизда акс этиши шартнома тарафларининг ўз ҳуқуқларини эркин амалга оширишига имконият яратади.

Таҳлилларга асосан, ФКнинг 260-моддаси 1-қисмини қуйидаги таҳрирда баён этиш ва 5-қисм билан тўлдирish таклиф этилади: “Қонун ҳужжатлари ёки шартнома билан белгиланган, қарздор мажбуриятни бажармаган ёки лозим даражада бажармаган ёхуд кечиктирган тақдирда кредиторга тўлаши шарт бўлган пул суммаси ёки товар неустойка ҳисобланади.

Мажбурият бажарилмаган ёки лозим даражада бажарилмаган ёхуд бажариллиши кечиктирилган тақдирда, тарафлар ўзаро келишувга асосан, мажбуриятнинг бажарилмаган қисмига мувофиқ келадиган товарнинг берилишини белгилашлари мумкин”.

Хулоса сифатида таъкидлаш жоизки, товар неустойкасини мажбуриятлар бажариллиши таъминлаш усули сифатида қўллашда юзага келадиган имкониятлар қарздорни ўз мажбуриятини бажаришига рағбатлантиради ва кредиторнинг манфаатларига мос келади.

Иқтибослар/Сноски/ References:

1. Торкин Д.А. Непоименованные способы обеспечения обязательств. Дисс.к.ю.н. -Тюмень,

-2005. (Torkin D.A. Unnamed ways of securing obligations. Dissertation candidate of legal sciences.- Tyumen, -2005)

2. Габараев Э.А. Обеспечительная уступка денежного требования: обеспечительная мера или способ обеспечения исполнения обязательств? //Вестник университета имени О.Е.Кутафина (МГЮА), - №2. 2019г. DOI: 10.17803/2311-5998.2019.54.2.147-154 (E.A. Gabaraev Security assignment of a monetary claim: a security measure or a way to secure the performance of obligations? // Bulletin of the University named after O.E. Kutafin (Moscow State Law Academy), - No.2. 2019.)

3. Имомов Н. Қарз мажбуриятини таъминлашнинг фуқаролик-ҳуқуқий воситаларига нисбатан янги ёндашувларнинг таҳлили. // Юридик фанлар ахборотномаси 2/2020. (Imomov N. Analysis of new approaches to civil law enforcement. // Review of law sciences. 2/2020)

4. Тадбиркорлик ҳуқуқи (Умумий қисм): Дарслик /Масъул муҳаррир: Ш.Рўзиназаров. –Т.: “Консаудитинформ”, 2002. (Entrepreneurship law (General part): Textbook / Editor-in-chief: Sh. Ruzinazarov. –Tosh.: “Konsauditinformat”, 2002)

5. Фёдорова Ю.С. Товарная неустойка как непоименованный в законе способ обеспечения исполнения обязательств // Вопросы современной юриспруденции: сб. ст. по матер. XVI междунар. науч.-практ. конф.-Новосибирск: СибАК, 2012. (Fedorova Yu.S. Commodity forfeit as an unnamed way of ensuring the fulfillment of obligations // Questions of modern jurisprudence: collection of articles. Art. by mater. XVI international scientific-practical conference-Novosibirsk: SibAK, 2012.)

6. Акатьева М.Д. Неустойка – действенный способ защиты нарушенного права. //Правовое регулирование. №3 (171) 2014. (Akateva M.D. Forfeit is an effective way to protect the violated right. //Legal regulation. No.3 (171) 2014.)

7. Омонов А. Неустойка как способ исполнения договорных обязательств // Вестник Высшего хозяйственного суда. 2014. -№9. (Omonov A. Penalty as a way of fulfilling contractual obligations // Bulletin of the Supreme Economic Court. 2014. - No.9.)

8. Пергамент М.Я. Договорная неустойка и интерес в римском и современном гражданском праве. Одесса, 1899. (Parchment M.Ya. Contractual forfeit and interest in Roman and modern civil law. Odessa, 1899.)

9. Одинаев А. Фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларда неустойка қўллашни такомиллаштириш: илмий-назарий таҳлил. //Юридик фанлар ахборотномаси. 2020 йил, махсус сон. (Odinaev A. Improving the application of instability in civil law relations: scientific and theoretical analysis. // Review of law sciences. 2020, specialissue).

10. Бодиловский А.В. Экономика впереди права. Непоименованные способы обеспечения исполнения обязательств //Раскрой свой научный потенциал: сборник научных трудов по материалам I Международной научно-практической молодежной конференции. -Нижний Новгород, 2016. (Bodilovsky A.V. Economics ahead of the law. Unnamed methods of ensuring the fulfillment of obligations //Unleash your scientific potential: a collection of scientific papers based on the materials of the I International Scientific and Practical Youth Conference. - Nizhny Novgorod, 2016.)

11. Комисаров Е.Г., Торкин Д.А. Непоименованные способы обеспечения обязательств в гражданском праве. -М.: -2008. (Komisarov E.G., Torkin D.A. Unnamed ways of securing obligations in civil law. -Mos.: -2008.)

12. <http://base.garant.ru/10164072/dc8ac69baa61b785e8510c75c9714f10/>

13. https://kodeksy-by.com/grazhdanskij_kodeks_rb.htm

14. https://online.zakon.kz/document/?doc_id=1006061#pos=3024;-54

15. <https://www.wipo.int/edocs/lexdocs/laws/ru/tm/tm037ru.pdf>

16. http://minfin.tj/downloads/009%20grajd_kodeks_rus.pdf

17. <https://matsne.gov.ge/ru/document/download/31702/75/ru/pdf>

18. https://www.icnl.org/wp-content/uploads/Azerbaijan_Civil_Code_RUS.pdf

19. http://www.parliament.am/law_docs/050598HO239rus.html?lang=rus

20. Judgment on Cavendish Square Holding BV v Tatal El Makdessi, ParkingEye Limited v Beavis (2015).

21. http://www.pravo.lv/likumi/05_4_gz.html
22. <https://meget.kiev.ua/kodeks/grazdanskiy-kodeks/glava-49/>
23. <http://minjust.gov.kg/ru/content/313>
24. Карапетов А.Г. Неустойка как средство защиты прав кредитора в российском и зарубежном праве. -М.: Статут, 2005. (A.G. Karapetov Penalty as a means of protecting the rights of a creditor in Russian and foreign law. -Mos. Statut, 2005.)
25. Постановление Федерального арбитражного суда Поволжского округа от 18 сентября 2001г. №3559/01-2. Доступизсправ. Правовой системы “КонсультантПлюс”. (Resolution of the Federal Arbitration Court of the Volga Region dated September 18, 2001. No. 3559 / 01-2. Accessfromref. Legalsystem «ConsultantPlus».)
26. Постановление Федерального арбитражного суда Северо-Кавказского округа от 12 апреля 2002г. №Ф08-1203/02. Доступизсправ. Правовой системы “КонсультантПлюс”. (Resolution of the Federal Arbitration Court of the North Caucasian District of April 12, 2002 No. F08-1203 / 02. Access from ref. Legal system «Consultant Plus».)
27. Литаренко Н.В. Изменение подхода к неустойке в Англии. //Актуальные проблемы российского права. 2016. № 11 (72) ноябрь. DOI: 10.17803/1994-1471.2016.72.11.214-222.
28. Комаров А.С. Ответственность в коммерческом обороте. -М.: Юридическая литература, 1991. (Komarov A.S. Responsibility in commercial turnover. -Mos.: Legal literature, 1991.)
29. Гришин Д. А. Неустойка: теория, практика, законодательство. -М : Статут, 2005. (Grishin D. A. Penalty: theory, practice, legislation. –Mos.: Statute, 2005.)
30. Вятчин В.А. О правовой природе товарной неустойки. //Вестник Саратовской государственной юридической академии. -2014. -№ 2. (Vyatchin V.A. On the legal nature of the forfeit. // Bulletin of the Saratov State Law Academy. -2014. -No.2)
31. Хохлов В.А. Ответственность за нарушения договора по гражданскому праву. Тальятти: Волжский ун-т. им. В.Н.Татищева. 1997. (Khokhlov V.A. Responsibility for violations of the civil law contract. Tagliatti: Volzhsky University. them. V.N.Tatishchev. 1997.)